

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

РЕФЕРАТ

Мавзу: ФАЛСАФАДА ОНГ МУАММОСИ

Бажарди: Ш.Агзамходжаева

Тошкент-2016

ФАЛСАФАДА ОНГ МУАММОСИ

Кириш.....	
1 Боб. Онг муаммоси ва унинг назарий асослари.....	
1.1 “Онг” тушунчаси ва унинг фалсафий муаммолари.....	
1.2 Онг тизими ва унинг таркибий қисмлари.....	
2 Боб. Гуманитар фанларда онг муаммоси таҳлили.....	
2.1 Фрейдгача бўлган даврда онг масалалари.....	
2.2 Руҳий таҳлил фалсафасида онг муаммоси (З.Фрейд,Э.Фром,К.Юнг).....	
Хулоса.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги: Онг муаммосининг тушунтириш фан тарихида турли талқинлар мавжуд. Онгни руҳият билан боғлаб тушунтириш, онг мия ва нерв фаоллияти билан боғлаб тушунтириш, онгни тил тизими билан боғлаб тушунтириш ва бошқалар шулар жумласидан. Шунинг учун биз бу муаммони объектив таҳлилидан ўтказиб, умумий тўхташга келишимиз лозим. шу боис бу мавзуни ўрганиш ва таҳлил этиб бериш фанда долзарб аҳамият касб этади. Бизнинг тадқиқотимизда ана шу муайян маънода очиб беришга ҳаракат қилинади. Тадқиқотнинг ишланганлиги даражаси Онг муаммоси фан тарихида у ёки бу омиллар билвосита ва бевосита ўрганганликлари маълум. Хусусан Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Ғаззолий шарқ фалсафасида онгнинг тадрижий тараққиётини таҳлил қилган бўлса, ғарбда Беркли, Хегел, Фехте , З.Фрейд, Э.Фромм, Карл Юнг, Карл Яскерс, Тан тон Сартр ва бошқа олимларин бу соҳани яқиндан таҳлил этгани маълум.

Тадқиқотнинг проедмети ва объекти: Ушбу илмий тадқиқотимизнинг предмети фан тарихида онг муаммосини ўрганганлигини таҳлил этиш ва унинг умумий фалсафий нуқтаи-назардан ўрганишдан иборат. Объекти эса онг муаммосини таҳлил этган файласуфларнинг фалсафий меросидир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари: Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади онг муаммосини фалсафий–тарихий, илмий–мантиқий ва объектив таҳлил қилиб беришдан иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажаришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Биринчидан, онг муаммоси тушунчасининг мазмун моҳиятини илмий асослаб бериш;

Иккинчидан, онг муаммосини билвосита ва бевосита ўрганган соҳа олимларининг умумий меросини тадқиқ этиш ва уларнинг онг масаласи

хақидаги ғояларни илмий таҳлил қилиб бериш ҳамда уларни илмий классификация қилиш;

Учинчидан, онг муаммосини онг тизимини бошқа соҳалари билан боғлаб тушунтириш, хусусан онг ва мия, онг ва тил яқин тизимлари билан боғлаб ўрганиш;

Тўртинчидан, онгнинг таркибий қисмларини ўрганиш ва уларнинг онг тизимидаги ўринини кўрсатиш;

Тадқиқотнинг структуравий тўзилиши: Ушбу тадқиқот куйидагича тузилган: кириш, асосий қисм ва хулоса.

Кириш қисмида мавзунинг долзарб ишланганлик даражаси, мавзунинг предмети, объекти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда илмий аҳамияти очиқ берилган. Асосий қисмда эса 2-боб ва 4 параграф ўз ифодасини топган. 1-бобда муаммосини назарий масалалари ёритилган бўлса, 2-бобда онг муаммосининг Фрейдгача бўлган ўрганишни даври ҳамда Фрейддан кейинги ўрганилиш даври атрофлича таҳлил қилинган. Хулоса қисмида эса онг муаммосини таҳлил этиш асносида тўхтама келинган илмий хулосалар ўз аксини топган. Шунингдек илмий ишнинг охирида умумий фойдаланилган адабиётлар рўйхати аксини топган бўлиб бу қисм расмий, умумий ва газета, журнал ва интернет материалларидан ташкил топган адабиётларни ўз ичига қамраб олади.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти: Ушбу илмий тадқиқот онг муаммосининг ўрганилиши ва умумий назарий фалсафий талқинига бағишланганлиги учун ҳам, уни фалсафа фанларининг онг муаммосига бағишланган маъруза ва амалиёт дарсларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек онг муаммосига қизиқувчи мутахассислар талабалар, мустақил тадқиқотчилар ва бошқа қизиқувчилар илмий материал сифатида бу ишдан фойдаланишлари мумкин. Тадқиқотимизнинг илмий қийматларини қисқача шу контекстда кўриб ўтиш мумкин.

1 Боб. Онг муаммоси ва унинг назарий асослари

1.1 “Онг” тушунчаси ва унинг фалсафий муаммолари

Онг нима? инсон азал-азалдан ўзигагина хос бўлган онгнинг нима эканлиги тўқрисида ўйлаб, баҳслашиб келади. Бу баҳсларнинг бир жиҳати, онг табиат маҳсулими ёки инсон онги илоҳий яратилганми? деган масаладан иборат. Иккинчи жиҳати эса, инсон дунёни доимо бир хил англаганми? Яъни асрлар давомида инсон онги такомиллашиб келганми ёки ҳамон ўша-ўшами? деган муаммо билан боғлиқ.

«ўзингни билсанг, оламини биласан», – деган эди Сукрот. Афоризмга айланиб кетган бу фикр ортида олам каби инсон ҳам сиру синоатларга бой, у ўзини билиш орқали олам моҳиятини англашга йўл очиши мумкин, деган ғоя ётибди. Шу маънода, инсон ўзини ташқи оламдан ажратиб, алоҳида бир мўъжиза ва тадқиқот мавзуи сифатида ўрганишга ҳаракат қила бошлаган пайтдан буён уни ўйлантириб келаётган муаммолардан бири онгнинг моҳияти, унинг келиб чиқиши масаласидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, онгнинг табиатини англаш масаласи – энг қадимий фалсафий масалалардан бири, дейиш мумкин. Гарчанд онг ва унинг турли хусусиятлари инсонга хос ҳодиса сифатида психология, адабиёт, социология каби фанларнинг тадқиқот мавзуи доирасига кирган бўлса-да, онгнинг моҳияти, унинг турли кўринишлари ўртасидаги муносабат каби масалаларни ўрганиш билан айнан фалсафа шуғулланади.

Онгнинг моҳияти масаласи энг қадимий муаммолардан бири экан, уни англаш жараёнида турли хил жавоблар бўлганлиги табиий. Бу саволга энг қадимий жавоб диний ва мифологик қарашлар доирасида берилган.

Онгни диний тушуниш уни илоҳий ҳодиса, худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон онги буюк илоҳий ақлнинг миттигина акс этиши, унинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Инсон танасидаги руҳ бизнинг истак ва фикрларимизнинг ташувчисидир. Жон ўлиши билан онг ҳам ўлади. Бундай қарашларнинг илдизи

жуда қадимий бўлса-да, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Зеро, у олам ва одамнинг яратилганлиги масаласи билан бевосита боғлиқдир. Кимдаким олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, онг ҳам яратганнинг қудрати эканлигини тан олиши табиий.

Онг моддийликнинг мияда акс этиши деб тушунишда, унинг моҳияти инсон танаси фаолияти билан боқлаб талқин этилади. Бундай қарашлар ҳам қадимий илдизларга эга. XX асрга келиб онгни бевосита инсон мияси фаолияти билан боғлашга ҳаракат қилган қарашлар ҳам шаклланди. Айни пайтда материалистик йўналиш номини олган бундай ёндашувлар доирасида онгнинг моҳиятини бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам пайдо бўлган. Фалсафа тарихида «Вульгар материализм» деб ном олган оқим намояндаларининг қарашлари бунга мисол бўла олади. Уларнинг фикрича, худди жигар сафро ишлаб чиқаргани каби, мия ҳам онгни ишлаб чиқаради. Бундай ёндашув натижасида онг идеал эмас, балки моддий ҳодиса, деган хулоса чиқади. Ваҳоланки, сафрони кўриш мумкин, аммо онгни кўриб ҳам, ушлаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди.

Хўш, онг тарихан қачон ва қандай омиллар таъсирида шаклланган? У ҳақиқатан ҳам мия билан боғлиқми?

Онг тарихи инсоннинг инсон бўлиб шакллана бошлаши тарихи билан боғлиқдир. Узоқ вақт давомида инсон, унинг онги планетар, яъни Ер шари доирасидаги ҳодиса сифатида қараб келинди. Ҳозирги замон фани масалага кенгроқ доирада ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки фан далиллари инсон пайдо бўлишини фақат Ерда кечган жараёнлар билан чеклаб қўйиш тўғри эмаслигини, у коинот эволюциясининг табиий ҳосиласи эканлигини тобора чуқурроқ исботламоқда.

Инсон биологик ва ижтимоий ҳаракатнинг ташувчиси экан, ҳаракат шакллари ўртасидаги узвий алоқадорликни, унинг юқори шакллари қуйи шаклларига боғлиқлигини, таянишини, улардан ўсиб чиқишини унутмаслик лозим. Бошқача айтанда, улар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд.

Онг тарихи куёш системаси ва унда миллионлаб йиллар давомида содир бўлган ўзгаришлардан ҳам айрича олиб қаралиши мумкин эмас. Айнан мана шу жиҳатдан олганда, онгнинг шаклланишини космик ходиса сифатида қараш ҳам мумкин.

Инъикос шакллари эволюцияси ва онг. Онг инъикоснинг олий шаклидир. Хўш, инъикос деганда нима тушунилади. Инъикос муайян таъсир натижасида пайдо бўлади. Бунинг учун эса, ҳеч бўлмаганда, иккита объект бўлиши ва улар ўртасида ўзаро таъсир бўлиши лозим. Энг умумий маънода, ҳар қандай предметларнинг у билан таъсирлашувда бўлган бошқа предметларнинг таъсирини муайян тарзда акс эттириши билан боғлиқ хоссасига инъикос дейилади.

Шу маънода инъикос ҳамма жойда мавжуд. Айни пайтда ҳар бир ҳолатда у ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунончи, нотирик табиатдаги инъикос билан тирик табиатдаги инъикос бир-биридан тубдан фарқ қилади. Нотирик табиатда инъикос оддийлиги билан ажралиб турса, тирик табиатда у мураккаб характер касб этади.

Шу билан бирга, нотирик табиатда инъикос пассивлиги, тирик табиатда эса, фаоллиги билан ажралиб туради. Тирик табиатда инъикос ташқи таъсир натижаларидан фаол фойдаланишни келтириб чиқарувчи ахборотли инъикос шаклини олади.

Айни пайтда ахборотли инъикоснинг ўзи тирик табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккаблашиб, ўзига хослик касб этади. Мана шундай мураккаблашув жараёни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратди. Айнан психик инъикос даражасида воқеликка актив муносабат ҳам шаклланади, инъикоснинг илгарилаб боришидан эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига имконият яратди.

Онг ва руҳият (психика). Онг психик инъикоснинг ўзига хос, юксак шаклидир. Аммо, бу психика ва онг тушунчаларини айнанлаштириш учун асос бўла олмайди. Негаки, психика ҳайвонларга ҳам хосдир. Гап инсон психикаси ҳақида кетганда ҳам, у онг тушунчасига нисбатан кенг қамровлилик касб

этишини унутмаслик лозим. З. Фрейд фикрича, психика онгсизлик, онг ости ходисаларини ва онгнинг ўзидан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида онг билан бир қаторда онгсизлик ва онг ости ходисалари ҳам муҳим аҳмиятга эга.

Психологлар фикрича, инсон фарзандининг камол топа бориши билан бир қаторда кўплаб функциялар онг назорати остидан чиқиб автоматик характер касб этиши билан характерланади. Айтайлик, биринчи марта машинага ўтирганимизда, биринчи марта сурат олаётганимизда деярли барча ҳаракатларимиз онгнинг қаттиқ назорати остида бўлади. Вақт ўтиши билан эса кўпгина ҳаракатларни онгсиз тарзда, англамаган ҳолда бажара бошлаймиз. Бундай ҳолат инсон фаолиятининг хилма-хил соҳалари, йўналишларида, уларга онгнинг фаол тарзда аралашини, яъни қайта фаолиятни ўз назоратига олиши мумкинлигини инкор этмайди. Хатти-ҳаракатларнинг онгсизлик соҳасига кўчиши бир томондан онг «юки» нинг енгиллашига хизмат қилса, бошқа томондан, онгнинг асосий кучи, қуввати, «диққати»ни, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат, жараёнларга қаратилишига имконият яратади.

Онгсизлик доирасига онг назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби ходисалар ҳам киради. Ана шу хусусиятларни инобатга оладиган бўлсак, онгсизлик онг мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шарти дейиш мумкин. Онг ости ходисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим бўқинидир. З. Фрейд фикрича, улар онгсизлик билан онг ўртасидаги чегаравий соҳадир.

«Гап тагида- гап бор, коса тагида- ним коса» нақлида онг остига хос бўлган хусусиятлар ифодаланган, дейиш мумкин. Негаки, ҳар қандай фаолиятимизда айни вақтда биз учун аҳамияти бўлмаган ҳолатлар бўлади. Аммо, бу улар кузатишдан, назоратдан четда қолади, дегани эмас. Биз учун аҳамиятли характер касб этганда, улар онг остидан онг сферасига кўчиши мумкин. Масалан, бирор жойга бораётганда, асосан, мақсадга томон ҳаракат қилинади, аммо йўлда учраган бошқа нарса ва ходисалар ҳам кузатилади,

эса қолади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, онг ости инсон онгли фаолиятининг ўзига хос кузатувчиси, зарур бўлган ҳолларда цензори сифатида чиқишдек сифатларга эга, дейиш мумкин.

Онг ва тил. Тил онгнинг инсонгагина хослигини исботловчи омиллардан биридир. Хўш, тил деганда ўзи нима тушунилади? Тил, бу энг аввало, муайян белгилар тизими демакдир. Аммо, тилнинг хусусиятларини шу билангина чеклаш тўри эмас. Негаки, муайян белгилар тизими ҳайвонларга ҳам хос, улар ёрдамида жонзодлар ўртасида муайян ахборот алмашинуви содир бўлади.

Айтайлик, кабуларларининг «мухаббат» ракси, жонзодларнинг хавф-хатар пайдо бўлганда турли товуш — белгилар ёрдамида бир-бирини огоҳлантириши, айрим ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган ҳудудни турли йўллар билан «чегаралаб» чиқиши ана шундай белгилар тизимининг ўзига хос кўринишларидир. Лекин, жиддий эътибор бериладиган бўлса, бу белги — сигналлар тизими узоқ давом этган эволюция давомида ҳосил қилинган рефлекслар эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ҳатти-ҳаракат ёки бошқа белгилар ёрдамида узатилаётган ахборотнинг мазмуни муайян вазиятдаги ҳолат билан белгиланган бўлади. Бундан фарқли ўлароқ инсон нутқи, тили конкрет вазият, макон ва замондан холи бўлиши, унга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бошқача айтганда, у ўзида ўтмишни, ҳозирги ҳолатни ва истиқболни ҳам ифодалаши мумкин. Бу инсон тилининг белгилар тизими сифатида ҳайвонот дунёсида амал қиладиган белгилардан туб фарқини кўрсатувчи муҳим хусусиятидир.

Тил қайд қилинганидек, белгилар тизимидир. Фан юксак тараққий қилган ҳайвонларда ахборот узатишга хизмат қиладиган мураккаб белгилар тизими мавжуд эканлиги ва у ҳайвонот олами эволюцияси билан бир пайтда такомиллашиб борганлигини исботламоқда. Демак, тил йўқ жойдан, бирданига пайдо бўлиб қолмаган. Онг инъикос шаклларнинг узоқ давом этган эволюциясининг табиий ҳосиласи бўлганидек, у билан узвий боғлиқ бўлган инсон нутқи ҳам ахборот узатишга хизмат қиладиган белгиларнинг мураккаблашиб бориши жараёнининг зарурий натижасидир.

Демак, тил белгилар тизими сифатида келиб чиқишидан қатъий назар фақат инсонгагина хос ва у онг билан узвий боғлиқдир. Негаки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади. Тилда ифодаланаётган маъно — мазмуннинг англаниши инсоннинг умумий билим даражаси, қизиқиши, қобилияти, конкрет шароитдаги кайфияти каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Тил фикрлаш куроли, мулоқот воситаси сифатида доимий такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Айти пайтда инсоният биз кундалик ҳаётда кўллайдиган табиий тил билан бир қаторда мулоқотнинг ранг — баранглигини таъминлайдиган, фикрни ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос имо-ишоралар рақс, мусиқа «тилига» ҳам эга. Шундай бўлса-да, улар сўзга кўчгандагина англашилади, ундаги мазмун тушунарли бўлади.

Шу билан бирга миллий тиллар билан бир қаторда илм- фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим роль ўйнайдиган интернационал тил-фан тили, унинг тушунчалари ва формулалари ҳам борлигини унутмаслик керак. XX асрда кўлланиш доираси тобора кенгайиб бораётган электрон ҳисоблаш машиналарининг «бейсик», «фортан» каби тиллари яратилди. Компьютерларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли тез ўсиб бораётган ҳозирги даврда бу «тил»лар ахборотларнинг узатилиши ҳамда қабул қилинишида катта аҳамият касб этмоқда ва вақт бу жараёнларнинг янада тезлашаётганлигини кўрсатмоқда

Онг ва тил муносабати ҳақида гап кетар экан, тил ўзига хос тарихий хотира ролини ўташини ҳам унутмаслик керак. Бу миллий тиллар мисолида айниқса, яққол кўринади. Зеро, миллат тилида унинг ўзлиги, босиб ўтган тарихий йўли, тафаккур тарзи акс этади, мустаҳкамланади. «Она тили, — деб ёзади Президентимиз, бу миллатнинг руҳидир. ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»¹.

Шундай экан, мустақиллик шароитида миллий тилимиз ривожига алоҳида эътибор берилаётганлиги миллий ўзлигимизни англашимизнинг ўтиш

¹ Каримов И.А. Донишманд ҳалимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. - Фидокор, 2000 йил 8 июн.

жараёнида миллий истикболимизни белгилашнинг узвий қисми сифатида қаралмоғи лозим.

Онг ва ахборот. Кейинги йилларда «Информацион портлаш» тушунчаси ҳам тез-тез ишлатилмоқда. XX асрнинг энг муҳим ютуқларидан бири бу компьютерларнинг яратилганлигидир. Уларнинг яратилиши бир томондан инсон онги, тафаккури, куч -қудратининг, иккинчи томондан, ана шу кучга тушадиган юкнинг енгиллашишига хизмат қиладиган воситани яратиш йўлидаги уринишларнинг натижаси бўлди. Асримизнинг ўртасида пайдо бўлган бу восита шиддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб секундига минглаб операциялар бажара оладиган компьютерлар бўлган бўлса, уларнинг бугунги авлоди 10 миллионлаб мураккаб операцияларни қойилмақом қилиб уддалайди.

Хўш, буларнинг инсон онги ва тафаккурининг моҳияти билан нима алоқаси бор? Гап шундаки, ЭҲМ лар ҳам инсон тафаккурига хос бўлган хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга, унинг тобора кўпроқ эга бўлиб бориши, ЭҲМ фикрлай оладими, агар инсон ўзига хос хусусиятларини уларга тобора кўпроқ кўчириб бораверса, охир оқибатда, бир вақт келиб, у ўзи яратган ана шу қуролнинг қулига айланиб қолмайдими, деган саволларнинг кун тартибига қўйилишига олиб келди. Айтайлик, компьютер албатта олдиндан программалаштирилган операцияларни, миллионлаб марта тез бажариши мумкин. Уларнинг «хотира» қудрати ниҳоятда юксак ва ҳ. к. Аммо булар ЭҲМларнинг фикрлашидан, уларнинг инсон устидан ҳукмронлик қилишидан далолат берадими? Албатта, йўқ. Компьютерлар қанчалик мураккаб операцияларни бажармасинлар, инсон томонидан программалаштирилган жараёнларнигина амалга оширадилар, ундан ташқарига чиқа олмайдилар. Инсоннинг фикрлаш жараёни онгсизлик, онглилик, кечинмалар, ижод каби ҳодисаларни қамраб олади. Компьютер эса бундай хусусиятларга эга эмас. Шундай экан, компьютерлар инсоннинг муайян йўналишлардаги ақлий фаолиятини енгиллаштиришга хизмат қилади ва ўзининг яратувчиси устидан ҳукмрон бўла олмайди.

Айрим тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳозирги даврда фан соҳасида эришилган натижалар ҳар ўн йилда, информация олиш эса ҳар 3-4 йилда икки баробарга ошмоқда. Ана шундай шароитда инсон онги, унинг хотира қудрати бу ахборотларни ўзлаштира оладими, деган савол кўндаланг бўлмоқда. Янги билимлар, ахборот оқими унчалик кучли бўлмаган яқин ўтмишда тиришқоқ киши инсоният билими эришган асосий натижаларни ўзлаштира олар эди. Бугунги кунда фақат фаннинг турли йўналишлари бўйича йилига бир неча миллион китоб нашр этилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, инсон энг янги адабиётларни ўрганиб боришга ҳаракат қилганда ҳам, унинг ҳар бир ўқиган бетига ўн минг ўқилмаган саҳифа тўғри келар экан.

Кишиларнинг пайдо бўлган янги китобларнинг аксариятини жисмонан ўқиб улгурмаганлиги «информацион портлаш» келтириб чиқараётган оқибатларнинг бир кўриниши, ҳолос. Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу инсон тўплаган билим, ахборотнинг маънавий эскириши, кераксиз бўлиб қолаётганлигидир. Бундай эскириш суръати тобора тезлашиб бормоқда. Масалан, олий — таълим соҳасида бу жараён олти — етти йил, компьютер технологияси соҳасида эса бир йил давомида содир бўлаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Бу агар сиз олий ўқув юртини битирганингизга етти йил бўлган бўлса, ўз вақтида олган билимларингизнинг аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермаслигини билдиради. Ана шундай шароитда кишиларнинг ўз билимларини юқори даражада ушлаб туришлари улардан доимий диққат-эътиборни, ўз устида ишлашни талаб қилади. Акс ҳолда, таълим даргоҳини энг юқори натижалар билан битирган мутахассис ҳам тез орада чаласавод бўлиб қолиши мумкин.

Умумлаштириб айтганимизда, онгнинг моҳиятини, унинг коинот эволюциясининг табиий натижаси эканлигини тушуниш, у билан боғлиқ бўлган жараёнларни илмий талқин этиш олам ва одам бирлигини англаш имконини беради. Айни пайтда, онгнинг моҳиятини англаш инсоннинг ўзлигини, яшашдан мақсади, ҳаётининг маъно-мазмуни каби масалаларни

чуқурроқ тушунишга йўл очади. Бу онг ва у билан боғлиқ масалалар амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

1.2 Онг тизими ва унинг таркибий қисмлари

Онг тизими луғавий маънода, ақл таффақкур маъносидаги тушунча бўлиб, фалсафада дунёқарашнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Онг учун хос бўлган хусусиятлар сирасига сезги, идрок тассавур фикр, ҳис-ҳаяжон ва ихтиёр кабиларни киритиш мумкин. Бу тушунчалар бир тарафдан онг морфологиясида муҳим таркибий қисмлар сифатида аҳамиятига молик бўлиб, биз онг тизимини унинг бу атрибутларисиз тассавур эта олмаймиз. Иккинчи томондан эса, онг тизимидаги бу атрибутлар бир вақтда бир бутун ҳолда мавжуд бўла олмайди. Бошқача айтганда улар бир бирларини айна вақтда тақозо этмайди. Шу ўринда онгнинг таркибий тузилмалари хусусида қисқача тўхталсак.

Аввало сезги ҳақида мулоҳаза юритсак бу лотинча сўз “сенсус” (сезги, ҳис) маъносидаги тушунча бўлиб, у онг тизимида алоҳида аҳамиятга эга. Сезги деганда биз, нарса ва ҳодисларга хос бўлган ташқи хусусият, белгилар фарқлаш табиий муҳитга мослашиш ва ҳимояланишга ёрдам берадиган ва билишнинг бошланғич асосини берадиган онг тизимининг бирламчи асосларидан бирини тушунамиз. Сезгилар қуйидаги қисмлардан ташкил топган.

1) кўриш

2) эшитиш

3) ҳид билиш

4) таъм билиш

5) туйиш (бадан сезгиси)

Мир Саид Шариф Журжоний билишга доир асарлари «Ат –таърифот» ҳамда «Усули мантикиййа»да билиш ва онг тизимида муҳим аҳамиятга эга. Онг аввало мия фаолияти билан чамбарчас боғланган. Мия деганда бизни инсон миясининг назарда тутмоқдамиз. Мия онгнинг юзага келишининг асосий шартидир. Албатта мия ҳайвонларда ва қушларда ҳам мавжуд. Энг ривожланган приматларда ҳам мия фаолияти бир мунча инсонникига ўхшаш. Масалан, маймунларнинг бош мияси приматологларнинг айтишича ташқи морфологик тузлиши жихатидан инсонга яқин келади. Инсон мияси маймунларникидан 2,5-3 баробар катта. Приматология фанларининг ҳозирги жаҳондаги етакчи олимлари Ален Гарднер ва Беатрис Гарднерлар маймунларни узок вақт давомида ўрганиб уларнинг мия фаолияти инсоннинг қанчалик яқин келмасин, бу мия онг ишлаб чиқариш фаолияти бир мунча чекланганлиги исботлашди. Ален ва Беатрис Гарднерлар маймунларга Америка имо- имшоралари тили (АИТ) ни узок вақт ўргатганларидан сўнг, маймунлар (Вату ва Льюси) муайян процедураларни ўрганди. Бироқ бу ўрганиш, бу маймунларни ушбу тиол бошқа маймунларга ўргатиш қобилиятини шакллантира олмади. Буни асосий сабаби маймунларда онг тизими ни шаклланмагандир. Ёки ориентология (қушларни ўрганувчи фан) фаннинг етакчи мутахассисларидан бири япон олими Шегиру Ватанабенинг яван қарғалари устида олиб борган тадқиқотларни олайлик. Ш. Ватанабе яван қарғаларининг миясида компьютер чипларин ўрнатиб уларни ташқи ҳодисаларин қанчалик таҳлил қилиш қобилиятига эга эканлигини текшириб кўрди. Қарғалар япон новелласи «Мен Кот» асарининг японча ва инглизча вариантларида ўқиб берилди. Яван қарғалари бу новеллаларин икки хил тилда ўқилганлиги муайян маънода фарқлади. Буни компьютер чипларидаги ўзгаришлар кўрсатиб берди. Бироқ қушлардан бундан бошқасини кутиш умуман фойдасиз бўлиб чикди. Қушларда онг фаолиятининг

шакланмаганлиги туфайли, кушлар тилни ўзлаштиради, лекин унинг маъно коэффицентига ҳеч қачон етиб бора олмадилар. Бу мисоллар шуни кўрсатадики, онг фаолияти фақат инсонга ижтимоий ҳаётдаги ахборотларни таҳлил қиладиган, ўзлаштирадиган, амалий ҳаётга тадбиқ этадиган нозик механизм ва шаффоф қурилмадир. Бу худонинг инсонга берган буюк инъомидир. Биз ҳайвонлардан айнан мана шу организмимиз туфайли ажралиб турамыз.

Ихтиёр – инсоннинг бирон ишни бажаришга қаратилган онгли интилиши, ихтиёр инсоннинг маълум мақсад йўлидаги ўз хатти-харакатларини онгли равишда йўналтириб туриши, шу йўлдаги қатъиятлилиги мавжуд тўсиқларни енга олишга қодир бўлган руҳий маънавий салоҳиятидир.

Онг тизимининг қисқача таркибий қисмлари мана шулардан иборат. Онгни ниҳоятда мураккаб тузилмаси шундаки, биз уни моддий предмет сифатида ўргана олмаёмиз. Вульгар материализм тарафдорлари айтганидек, худди жигар сафро ишлаб чиқаргандек онг ҳам ақл ишлаб чиқаради. Ва шунинг учун моддийдир,- деган фикрлар бир мунча асоссиздир. Сафрони кўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлади, лекин ақл ҳақида бундай деб бўлмайди. Демак унинг моддий дейиш батамом нотўғри фикрдир, Онг ўз хусусиятига кўра, руҳият, мия, тил каби инсон физиологиясининг муҳим таркибий қисмлари билан узвий боғланаган. Онгни биз айни шу жиҳатлар билан боғлаб тушуниришимиз мумкин. Яъни қутилмаган ҳаёлот образлар яратилади. У ёки бу жараёнда ижодий фаолиятининг модели ишлаб чиқилади, фантастик тимсоллар тизими янгиликларининг мутлоқ тартиблари онг процедурасида тассавур туфайли яратилади. Тассавур ҳеч қачон ижодий фаолият дастурининг яратувчиси сифатида намоён бўлмайди балки у унинг айрим ўринларини тўлдиришининг ва алмаштиришининг тимсолларини яратади. Тассавурни аналитик-синтетик хусусиятлари бўйича иккита кўринишини кўриш мумкин. Биринчи аналитик ҳолат тассавурнинг мазмуни предмети тубдан янги образлар, тимсоллар яратилишдан атроф муҳитнинг ифодаси янги безакли жиололи эканлигини қайд қилишдан

иборталигини тан олишдир. Иккинчи аналитик систематик ҳолат биосфера, ноосфера тўғрисидаги маълумотлар ижтимоий тарихий тараққиёт давомида қайтадан тикланши орқали тассавур маҳсули сифатида сақланиб келади деган ғояга асосланади.

Фикр- муайян мақсадни ифодалашга йўналтирилган сўзлар мажмуидир. Фикр ўз хусусиятига кўра фалсафий-илмий) бадиий қиёсий ва ҳақозо кўринишларида бўлиши мумкин. Фикр онг тизимининг даражасини ифодалайди. Фикр қилишда билим муҳим аҳамиятга эга. Фикрнинг чуқур ва саёзлиги инсон онги ва дунёқарашининг билим ва тафаккур билан қанчалар даражада тўйинтирилганлиги ва тўйинтирилмаганлиги билан узвий боғлиқ.

Ҳис ҳаяжон - ташқи ҳодиса ва воқеликлардан қаттиқ таъсирланиши натижасида инсон онги тизимида хусусан мия ва нерв тизимида муайян хиссий ўзгаришларни англатувчи фалсафий тушунча. Ҳис- ҳаяжон икки хил кўринишда билиш, туйиш) ҳамда ички сезгилар тассавурлар, ҳаёл фикр, идроклар кабиларни фарқлайди. Бизнинг журжоний онгнинг таркибий қисмлари бўлган тассавур, фикр ва идрокни ички сезгилар сифатида талқин қилиб янглишган. Мантиқ бўйича ўрта асрнинг бу йирик олими, бу ўринда сезгиларга қатта аҳамият бериб ўта сенсуалистик йўл тутган.

Идрок – лотинча “Перцептио” маъносидаги тушунча бўлиб, қабул қилиш» деган маънони беради. Идрок барча руҳий ҳолатлар, ҳодислар, хусусиятлар, хоссалар ҳамда инсон онгининг яхлит мазмуни эгалланган билимлар, тажрибалар, кўникмалар орқали намоён бўладиган ва уларни онгда акс эттирадиган фалсафий тушунчадир. Муайян бир ҳодисаларни идрок этиш турлича жараёнларда ўз инъикосини топади.

- 1) Галлюцинация (лотинча “ҳаллйцинатио” алахлаш, босинқираш – яъни йук нарсаларни кўриниш эшитилиш ва идрок этишидир.

2) Иллюзия (лотинча “иллузио” – хато адашиш, янгиланиш–яъни идрок этишда янглишиш ва адашишдир.

3) Аттракция (французча “аттракцион” – ўзига тортиш, махлиё этиш) – яъни олдиндан яққол кўрпиш, ғойибдан аниқ хабар олишни билдиради.

Тассавур – предмет ва ходисаларни уларни бевосита сезги аъзоларимиз орқали кўрмасдан ҳам идрок этилиши ва сезилишини англатувчи фалсафий қисмларидан бири ҳисобланади. Тассавур ёрдамида инсон томонидан кутиладиган натижа.

2 Боб. Гуманитар фанларда онг муаммоси таҳлили

2.1 Фрейдгача бўлган даврда онг масалалари

Австриялик психотерапевт ва файласуф Зигмунд Фрейд (1856-1929) гача булган даврда онг масаласида асосан икки хил қараш устувор санъат келинаётгани.

- 1) Теологик қараш
- 2) Илмий қараш

Теологик қараш онг тузилиши ривожланишини инсонга худонинг берган инояти . мўъжизаси тарзида талқин қилади. Теологик қараш онг тизимини инсонда тугма бўлишини у ҳеч қандай жамий воқеалик бидан боғланмаганлигини асослайди. Биз бундай асосни муқаддас китоблар – Забур (Довуд Алайхи вассаламга нозил қилинган китоб) Таврот (Мусо Алайхивассаламга нозил қилинган китоб) Инжил (Исо алайхивассаламга нозил этилган китоб) ва муборак Қуръони Карим (Мухаммад Саллолоху Алайхи вассаламга нозил қилинган китобларда ҳам қуришимиз мумкин. Чунончи Қуръони Каримда бу оламни тафсикур қилишингиз учун бини килдик алфозидаги жумлалар келади. Ислому файласуфлари онг масаласини тушунтиришда икки йуналишда бўлинади.

- 1) Мутақаллим йуналишлардаги ;
- 2) Мутақаллийлар йуналишидаги ;

мутақаллим йуналишлардаги фикрича онг инсонга худо томонидан берилган. Онгнинг даражаси Худонинг кимга қандай иноят қилганлигига боғлиқ. Лавхул Махфузда бизнинг қисматимиз қандай ёзилган булса шу нарса амалга ошади. инсон тақдирини ўзгартира олмайди. Мутақаллимлар инсон онги ақлива тафсиқурини ҳам тақдир маалаи билан боғлаб тушунтиради.

Мутақаллийлар йуналиши эса инсоннинг онги ва мақсади фаолияти унинг тақдирини ҳам ўзгартиришга қодир деб ҳисоблайди.

Абу ҳамид ал Ғаззолий ўзининг қарашларида онг фаолиятини қалб фаолиятидан кейинги ўринга қўяди. Унинг фикрича қалб бадан

мамлакатинингн подшоҳидир. Ақл эса биздан малактининг доно вазиридир. Ғаззолий онгни гарчи қалбдан кейинги ўринда қўйсада , унинг масаҳатлари бадан мамлакттини бошқаришда муцҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлайди. Ғарбда онг масаласи қадимги юнон файласуфлари ижодидаёқ яққол кўзга тагшланади. Чунончи Сократ инсон онг фаолиятини билиш масаласи билан боғлаб тушунтиргани маълум. Сократнинг фикрича инсон онгининг ривожини билиш жараёни билан узвий боғлиқ. Сократнинг ўз ўзининг бил» шиори шу жиҳатданн муҳим аҳамиятга эга. Сократнинг шогирди Афиналик Платон инсонда онг тизимини келиб чиқишини ўзининг «Зиёфат» асарида келтириб ўтган. Унинг фикрича онг инсоннинг ташқи оламни ўзлаштиришга бўлган интилишлари туфайли келиб чиққан ва ривожлана борган.

Қаранг Абу Хомид Ғаззолий “Кимёи саодат” Тошкент 2000 йил.

Платон фикрича инсонни худо Зевс яратишда инсон у қадар юксак онгли даоажага эга бўлмаган. Кейинги унинг билимга бўлган интилиши ривожланиб, у Зевс қудратига етиб бера бошлайди. Бундан жаҳли чиққан Зевс уни икки қисмга бўлиб ташлайди. Бир қисми эркак 3, иккинчи қисми аёл булади. Инсоннинг иккига булиниши ягоналикка дах етказди. Натижада кўп фиекрилик , турли туман қарашлар келиб чиқади. Оннинг ягоналиги ва бутунлигига манна шу тарзда илк бор дарз кетади. Муҳаббат – қарама-қарши жинсдаги инсонларнинг бир бирларига залиий бир бутунликни хохлаб онгли интилишларидир.

Ўрта асрларда ғарб маданиятида ҳам, шарқ маданиятида ҳам теологик қараш устуворлик аҳамиятига эга бўлиб кееди. Фсакат янги даврларда келибгина , онг муаммосига доир илмий назариялар бўй кўрсата бошлади. Янги давр инглиз фалсафасининг устун вакилларида бири Жон Лонк ўзининг билим назариясида онг масаласига тўхталиб қуйидаги тезисларни илгари суради.

1) Ҳеч қандай туғма билим мавжуд эмас. Ҳар қандай билим тажриба ёрдамида вужудга келади.

2) Инсон туғулганда унинг онги тоза тахтага ўхшайди. Бу тахта кейинчалик тажриба асосида тўлдирилади.

3) Илгари сезгиларда, ҳис-туйғуларда бўлмаган нарса интигентда бўлмайди.

Локкнинг бу қарашларига икки хил манода қараш мумкин;

1. Локкни назарясини тўғрилигини асослаш ;

2. Локкни инкор этиш ;

биринчи асос шундан иборатки, Мид, Пиаже ва бошқа ижтимоийлашувни ўрганган олимлар Локкнинг қарашларини тўғри эканлигини асослашди.

Ҳиндистонда ҳукумронлик қилган Акбаршоҳнинг инсонлар устидан ўтказган тадқиқоти, Жени исимли қизалоқнинг хаёти тўғрисидаги мисолларда инсоннинг ижтимоийлашувидан ташқарида қолиши, унинг онг тизимини ҳам ривожланмай қолиши мумкинлигини кўрсатди. Бу томондан Локкнинг фикрлари тўғри. Лекин Иккинчи томондан унинг қарашларини камчиликларини ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, онгдаги туғма инстинкларнинг мавжудлиги, онг тизимининг айнан ижтимоий лашув билан бўғлаш ҳам тўғри эмаслигини кўрсатади. Фрейдгача бўлган даврда асосий устувор йўналишлар онг тизимини мия, нерв ва тил билан бўғлаб тушунтириш бўлган бўлса, Фрейд ва унинг шогирдлари Эрих Фромм ва Карл Юнглари онни рухият билан бўғлиқ тушунтира бошлашди. Чунончи Карл Юнг ўзининг “Психологик типлар” асосида онгли рухият билан чамбарчас бўғлиқликларини кўрсатиб берди.

2.1. Рухий таҳлил фалсафасида онг муаммоси

(З.Фрейд, Э.Фром, К.Юнг)

Онг ости (подсознание)ни турли усуллар билан урганиш мумкин. Жумладан, ана шундай усуллардан бири «эркин ассоциациялар» булса, иккинчиси туш ва янглиш харакат(ибора)-ларни чуқур герменевтик талкин қилишдир. Фрейднинг узи туш-ларнинг таъбирига марказий уринни ажратган эди. Тушларни таъбирлаш беонгликнинг билишга уга Ке&a (подшоҳ қасрига йўл)и бўлиб, психоанализнинг энг аниқ асоси ва ҳар қандай тадқиқотчи ишонч ва маълумот оладиган соҳадир. Мендан, қандай қилиб психоаналитик бўлиш мумкин, деб сўрашса, мен доимо ўз тушларингизни ўрганиш орқали, деб жавоб бераман».

«Тушлар таъбири» асарида тушлар психозлар (р8усЪo81\$) би-лан ташқи ўхшашлик ва ички ўзаро алоқадорликка эга, дейи-лади. Бироқ улар соғлом ва нормал ҳолат билан тўла мос кели-ши мумкин. Умуман, туш «аломат» сифатида талкин қилиниши мумкин, бироқ ниманинг аломати сифатида? Фрейд ёш бола-лар ўзларида бир кун олдин («кундузги фантазия») пайдо бўлган лекин қондирилмаган истаклар ва майллар ҳақида туш кўриш-ларини айтиб ўтади. Туш, шундай қилиб, улар истакларининг рўёбга чиқишидир. Катгаларнинг туши ҳам «кундузги фантазия»-нинг муайян қисмига эга, бироқ бу ерда вазият мураккаброқ.

Катталарнинг тушлари кўпинча тушунарсиз ва кундузги майл-ларни қондиришдан жуда узоқ (дахшатли тупшар ва ваҳималар). Фрейд фикрича, бундай тушлар онг остига сиқиб чиқарилиш объекти бўладилар. Тушлар кўрқинч билан бирга бўлса, бу улар-нинг сиқиб чиқарилган, эго маъқулламайдиган ва ман қилин-ган истакларини қондириш мақсадида вужудга келади.

Тушни тушуниш учун унинг очиқ мазмунини ва яширин беонг мазмуни (тушдаги яширин фикрларни фарқлашимиз керак. Биринчи-си, биз

уйқудан уйғонгандан кейин озми-кўпми эслашимиз мумкин бўлган нарсалар. Иккинчиси, онг ости сатҳида ёки «бошқа қаватда» тушнинг очик мазмуни унинг сиқиб чиқарилган ва англамаган мазмунининг ўрнига вужудга келади. Сиқиб чиқариш бизнинг ментал мурватларимиз таъсири натижасидир. Уйғокпигимизда бу мурватлар бизнинг онгимизга онг остидаги ва сиқиб чиқарилган майлларнинг кириб келишига йўл қўймай-ди. Бирок ухлаганимизда, улар бизнинг психикамизга ниқоб-ланган ҳолда кириб келадилар.

Демак, ухлаётган одам тушларнинг маъносини худди не-вротик ўзидаги аломатлар маъносини тушуна олмаганидей тушунмайди.

Биз эслайдиган (очик мазмути) тушлар сиқиб чиқарилган майлларнинг бузилган ҳолда рўёбга чиқишидир. Тушдаги яширин онгости фикрларини бузиб кўрсатувчи жараёни Фрейд «тушнинг иши» деб атайди. Кўп жихатдан у сиқиб чиқарилаётган комплексларни невротик аломатларга айлантирадиган мувофа-қиятсиз сиқиб чиқариш жараёни билан бир хил кечади. «Туш ишининг» мурватлари тушларни бўртгириш, ўрнини алмаштириш, драматиклаштириш ва тимсоллаштиришдир. Бундан таш-қари тушнинг иккаламчи иши ҳам мавжуд. Онгости, шундай қилиб, «артистик» воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу маънода биз барчамиз тушларимизда ҳам актёрлармиз.

Бўрттириш (Вердичтинг) масалан, тушдаги воқеа (эсда қол-ган) бир неча турли хил истаклардан иборат бўлиши мумкин. Ўрин алмаштириш (Верширбунг) шундай жараёнки, тушимиз-да биз учун жуда зарур бўлган ҳодиса ёки шахс жуда кичик ишора ёки бизга нотаниш нарса сифатида намоён бўлади. Худ-ди шундай, ҳодиса мазмун жихатдан жуда оддий ҳодиса ифо-даланган тушимиз кўрқинч ёки кучли ҳиссиётлар билан боғла-ниши мумкин. Бўрттириш ва ўрин алмаштириш ўз ишини қилиб бўлгандан кейин, психоаналатик англамаган мазмунни аниқлаш ва тақдид этиш учун «эркин ассоциациялар» усулидан фойдаланади.

Шунга ўхшаш тимсоллаштириш бузишнинг бир варианты бўлиб чиқади. Масалан, эркакларнинг гениталийси унга шакл жиҳатдан ўхшаш бўлган объектлар, масалан, консерва банка-си, зонтик, пичоқ ва револьвер каби нарсалар билан алмашти-рилиши мумкин. Аёлларнинг гениталийси бўш жойни ўраб тур-ган объектлар (ғор, қути, хона, бино ва бошқалар) ёрдамида тимсолан тақдим қилиниши мумкин. (Афлот томонидан так-лиф қилинган ғорга қиёслаш психоаналитиклар томонидан қан-дай талқин қилиниши мумкин эди.) Тушнинг иккиламчи иши тушни мантиқий карама-каршиликсиз, оғзаки ифодалашга хара-кат қилишимиздан келиб чиқади. Фрейд фикрига кўра, туш-нинг очик мазмуни жуда кўп турли (ва карама-карши) эле-ментларни қамраб олади. Айтиш мумкинки, у ўта аниқ (оуег-йе1егттей). Шунга ўхшаш тарзда турли сабаблар занжири ва омиллар психологик аломатларни ўта аниқлаб беради.

Фрейд айтишича, тушнинг яширин фикрлари цензурадан ўтказилади. Соддароқ қилиб айтсак, сиқиб чиқарилган ва ман қилинган майллар онгда намоён бўлиш учун «цензурадан» ўтиш-лари керак. Цензурани четлаб ўтиш учун тушнинг иши тушда-ги яширин фикрларни тушнинг очик мазмунига айлантиради. Биз эслайдиган тушимиз махфий, кодлаштирилган ахборотга эга бўлиб у онгимизга контрабанда йўли билан олиб кирилади. Биз тушимизнинг очик мазмунига ечиш лозим бўлган ребусга қарагандай қарашимиз мумкин. Психоаналитик кодни равшанлаштиригандан кейингина тушнинг янги мазмуни пайдо бўла: у Махфий маъно нима? Фрейд айтишича, катталарнинг турБупер кўпинча сексуал томонга йўналтирилган ва эротик майлларни ифодалайди. (Бу хулоса Фрейд кейинчалик агрессия ёки ўлим уникал инстинкти ҳақидаги тушунчани киритгандан кейин муаммоли бўлиб қолади). Тушларни таъбирлашнинг асосий қоидаларини қуйидаги тарзда ифодалаймиз:

1. Тушдаги яширин фикрлар ва очик маъно ўртасидаги та-фовут тушнинг мазмунини тушунишда калит бўлиб хизмат қилади.

2. Тушнинг очик мазмуни — ундаги яширин фикрларнинг бузилган ифодаси бўлиб, таъбир жоиз бўлса, туш ишининг маҳсулидир.
3. Тушларни таҳлил қилиш учун Фрейд «эркин ассоциациялар» усулини қўллайди, бу усулдан психотерапияда ҳам фойдаланиш мумкин.
4. Фрейднинг тушларни талқин қилишга ёндошуви бизга инсон ментал ҳолатларининг бой манзарасини намоён қиладиган психологик моделнинг асосларини ифодалайди.
5. Фрейднинг тушлардаги яширин маънони аниқлашга уриниши онг ости баъзи «грамматик» қоидаларга мос тарзда ишлаши ёки онг ости «тил» га ўхшаб тузилмалаштирилганини (тушни ребус сифатида тушуниш билан таққосланг) тушунишга олиб келди.

Хулоса

Онг муаммосининг назарий-илмий ўрганишнинг умумий тадрижий тарихи ва таълими билан танишарканмиз, онг тизимининг ўрганиш даражасига ҳам паёнига эتماгани ойдинлашади. Буни биз онгнинг юзага келиши ҳақидаги теологик ва вульгар материализм қарашларидаги хилма-хиллик ва бошқа кўплаб файласуфларнинг плюралистик қарашлари мисолида кўриб ўтдик. Бу қарашлардан кўринадик, онг тизими инсон фаолиятининг бир қанча соҳалари билан узвий боғлиқ экан. Бу онг ва тил, онг ва мия, онг ва рухият, онг ва билим, онг ва мохият ва бошқа ҳақозо олимлардир. XX асрда гуманитар фанларнинг ривожини инсонни ўргатувчи фанлар таснифида онг масаласини ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ҳозирда онгни таҳлил этувчи фанлар сарасига, фалсафа, психология, физиология, невралгия, одам анатомияси, ижтимоий антропология ва бошқа фанларни айтиб ўтиш мумкин.

Онг муаммосини ўрганишда катта ютуқларни қўлга киритган олимлар Теяр де Шарден, Хегел, Зигмунд Фрейд, Эрих Фромм, Карл Юнг, Мид ва бошқалар онг тизимини жуда мураккаб тузилишга эга эканлигини ва кўплаб таркибий қисмлардан ташкил топганлигини айтиб ўтишади. Биз онг муаммосини умумий таҳлил қилиб эканмиз, юқоридаги омилларнинг ижодидан келиб чиқиб, қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

- онг муаммосининг фақат бош мия ярим шарлари билан боғлиқ эмаслиги, унинг инсон фаолиятининг бошқа кўплаб соҳалари билан узвий боғлиқлиги;
- онг тўғрисидаги плюралистик қарашлардаги анти хилма-хилликнинг, онгли модий унсур эмаслиги туфайли биз муайян маънода гипотеник мулоҳазаларга суянишимиз туфайли якуний бир тўхтама кела олмаганимиз;
- онгнинг таркибий таркибий қисмларини структурал ўрганиб, сўнг умумий тизим ҳақидаги ўзаро алоқадорликда таҳлил этиш зарурияти:

- онг муамосини ўрганган олимларнинг бу соҳадаги ишларини тасниф қилиш ва онг масаласида умумий бир хулосаларга келиш учун фойдаланиш заруриятни мавжудлиги;
- онг ходисасини ўрганишда фақат гуманитар фанларнинг гипотетик мулоҳазаларига суянмасдан балки аксинча, аниқ фанлар, хусусан медицина фанларининг умумий билимларни омухталаштириш;
- онг тизимини ўрганишда инсонлар устидан, уларнинг разиллигига биноан экспериментар ўтказиш зарурияти;
- онг фалсафаси ва тарихининг умумий модели ва функционал тизимларини яратиш ва ҳақозолар шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Расмий адабиётлар:

- 1.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
- 1.2 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Тошкент -2008 йил.
- 1.3 И.А.Каримов. Туркистон – умумий уйимиз. Тошкент -1994 йил.
- 1.4 И.А.Каримов. Янги уй курмайтуриб эскисини бўзманг. Тошкент -1992 йил.
- 1.5 И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент – 1994 йил.
- 1.6 И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид. барқарорли к шартлари ва тараққиёт кафолатлари.
- 1.7 И.А.Каримов. Жаҳон молиявий инқирозидан Ўзбекистон шароитида чиқиш йўллари. Тошкент 2009 йил 6-май.
- 1.8 И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент 2008 йил.

Асосий адабиётлар:

- 2.1 Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри. Тошкент 1996 йил.
- 2.2 Абу Наср Фаробий Суўество вопросов Антология мировой философии. Москва 1969 йил.
- 2.3 П.Тейер де Шарден.Феномен человека. Москва 1987 йил.
- 2.4 Г.Скирбекк, Н.Гилье.Фалсафа тарихи. Тошкент 2002 йил.
- 2.5 Джейн ванн Лавлик – Гуддол .В мене человека Москва 1974 йил.

2.6 Н.Н. Ладычина –Котс. Коструктивная и орудийная деятельность высших обезьян (шимпанзе). Москва 1959 год.

2.7 Рэдклид Браун. Ижтимоий антропология методлари. Тошкент 2008 йил.

2.8 К.Э.Фябри. Проблема интеллекта животных – Предисловие В.Фишель
Думают ли животные? Москва- 1973 год.

2.9 Ю.И.Семенов. На заре человеческой истории. Москва 1989 год.

2.10 Ибн Сина «О душе человеке. Мыслители прошлого и настоящего.
Москва 1991 год.

III -Газета, журнал ва Интернет материаллари

3.1. Э.Тоффлер. Келажак билан тукнашув. Жахон адабиёти журнали. 1998
йил 4-сон.

3.2. Э.Тоффлер. Учинчи тулкин. Жахон адабиёти журнали. 2001 йил 1-
сон.

3.3. С.Хантингтон. Столкновения цивилизации «Полис» 1994г. 1.